


## “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар” мавзусида семинар ҳақида маълумот



Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, Вазирлик фаолиятида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Чора-тадбирлар режасига асосан йил давомида ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлар белгиланган бўлиб, унда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари масъул ходимларининг иштироки назарда тутилган.

Мазкур режа-график ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 17 март куни “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга

доир чора-тадбирлар” мавзусидаги семинар Вазирликнинг Юридик бошқармаси томонидан ташкиллаштирилди.

Семинарда Бош прокуратуранинг масъул ходими К.Мусашайхов ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг масъул ходими А.Юнусовлар маърузачилар сифатида иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 19-моддасига асосан давлат органлари фаолиятининг очиклигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар очик давра суҳбати шаклида олиб борилди ва унда Вазирлик марказий аппаратининг 20-25 нафар ходимлари фаол иштирок этдилар.

Очик давра суҳбати давомида ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлиги, шу жумладан ҳуқуқий билимлар даражаси оширилди.

Йиғилиш сўнггида ходимлар ва маърузачилар ўртасида қизгин савол-жавоблар интерактив усулда олиб борилди.

**“Давлат органларида манфаатлар тўқнашуви олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусида семинар ҳақида маълумот**



Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, Вазирлик фаолиятида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Чора-тадбирлар режасига асосан йил давомида ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлар белгиланган бўлиб, унда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари масъул ходимларининг иштироки назарда тутилган.

Мазкур режа-график ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 27 май куни “Давлат органларида манфаатлар тўқнашуви олдини олишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги семинар Вазирликнинг Юридик бошқармаси томонидан ташкиллаштирилди.

Семинарда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг масъул ходими О.Абдуганиев маърузачи сифатида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни 21-моддасига асосан давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар очик давра суҳбати шаклида олиб борилди ва унда Вазирлик марказий аппаратининг 20-25 нафар ходимлари фаол иштирок этдилар.

Очик давра суҳбати давомида ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлиги, шу жумладан ҳуқуқий билимлар даражаси оширилди.

Йиғилиш сўнггида ходимлар ва маърузачилар ўртасида қизгин савол-жавоблар интерактив усулда олиб борилди.